

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ПЕДАГОГИКА ФАКУЛЬТЕТИ
ПСИХОЛОГИЯ ЙЎНАЛИШИ 4-КУРС 408- ГУРУХ
ТАЛАБАСИ ЖУМАЕВ БОЙМУРОДНИНГ
УМУМИЙ ПСИХОЛОГИЯ ФАНИДАН**

КУРС ИШИ

Мавзу: Хотира ҳақида умумий тушунча

Бажарди:

Б.Жумаев

Текширди:

Н.Исмоилов

Қарши 2014

Режа:

Кириш

- 1. Хотира турлари**
- 2. Ҳаракат хотираси**
- 3. Образли хотира**

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Кириш

Психологик манбаларда кўрсатилишича, психиканинг энг муҳим хусусияти шундан иборатки, инсон ташқи таъсиротларнинг акс эттирилишидан ўзининг кейинги фаолиятида, хатти-ҳаракатларида доимо фойдаланади ва ижодий ёндашуви натижасида баъзи бир ўзгаришлар киритади. Инсонда шахсий тажриба, кўникма, малака ва билим кўлами орта бориши ҳисобига фаолият ҳамда хулқ-атвор тобора мураккаблашиб, янги мазмун, янги сифат касб эта бошлайди. Маълумки, агар ташқи оламнинг бош мия катта ярим шарлари қобиғида ҳосил бўладиган образлари, тимсоллари ва уларнинг излари йўқолиб кетаверса, тажрибанинг сақланиши, билимларнинг бойиши, мураккаблашиши, муайян тартибга келиши, қайтадан жонланиши мутлақо мумкин бўлмас эди. Модомики шундай экан, мазкур образлар бири-бири билан ўзаро узвий боғланиб, аста-секин мустақамланиб, мия қобиғида пухта сақланиб қолади, шу билан бирга, ҳаёт ва фаолиятнинг муайян талабларига мувофиқ равишда қайтадан жонланади, аввалги ҳолатини бошқатдан намоён қилади.

Ҳозирги даврда қўлланиб келинаётган адабиётларда хотирага мана бундай тарзда таъриф берилиб келинмоқда: «Индивиднинг ўз тажрибасида эсда олиб қолиши, эсда сақлаши ва кейинчалик уни яна эсга тушириши хотира деб аталади». Лекин бу таърифда хотирага тааллуқли бўлган жуда кўп сифатлар, хоссалар ва хусусиятлар ўз аксини топмаган, шунинг учун уни мукаммал, ихчам, пишиқ ифодаланган дейишга ҳеч қандай ҳақ-ҳуқуқимиз йўқ. Ушбу қийин ҳолатдан чиқишнинг бирдан-бир йўли, бизнингча унга мана бундай тарзда таъриф беришдан иборат: «Хотира атроф-муҳитдаги воқелик (нарс)ни бевосита ва билвосита, ихтиёрий ва ихтиёрсиз равишда, пассив ва актив (фаол) ҳолда репродуктив ва продуктив тарзда, вербал ва новербал шаклда, мантикий ва механик йўл билан акс эттирувчи эсда олиб қолиш, эсда сақлаш, қайтадан эсга тушириш, унутиш ҳамда таниш, эслашдан иборат руҳий жараён алоҳида ва умумий намоён қилувчи ҳодиса, барча таассуротларни ижодий қайта ишлашга йўналтирилган мнемик (юнонча

тпета — хотира) фаолиятдир». Шунинг қатъий ишонч билан айтиш мумкинки, берилган таъриф хотиранинг мураккаб, кенг қамровли жиҳатларини тўла таъкидлаш имкониятига эга. Лекин бу нарса мутлақ даражада мукамаллик даъво қилиш деган ибора эмас, чунки унда объективлик (ташқи) ва субъективлик (ички) юзасидан маълумот акс эттирилмади. Умуман олиб қараганда эса, бу нарсага ҳожат ҳам, имконият ҳам йўқдир.

Таърифда хотиранинг эсда олиб қолиш, эсда сақлаш, эсга тушириш, унутиш, таниш, эслаш каби асосий жараёнлари алоҳида ажратиб кўрсатилган, лекин уларнингҳар бири мустақил ҳолат ва жараён ҳисобланмайди. Чунки улар муайян фаолият давомида, хоҳ билиш, хоҳ механик ҳолат бўлишидан қатъи назар ва ўша фаолият тузилиши, моҳияти ва мазмуни билан белгиланади. Шунинг учун инсон томонидан муайян бир материални эсда олиб қолиш, эсда сақлаш, эсга тушириш унинг индивидуал (яккаҳол) тажриба кўлами, билим савияси ва ақл-заковати даражасига боғлиқ. Чунки эсда олиб қолинган нарса ва ҳодисаларни кейинчалик қўллаш учун эсга тушириш тақозо этилади; бу мнемик фаолиятни талаб қилади.

Психиканинг энг муҳим хусусиятларидан бири борлиқ тўғрисидаги ташқи таассуротларнинг, инсоннинг индивидуал-типологик хусусиятларининг акс эттирилиши индивиднинг юриш-туришида, хатти-ҳаракатларида, феъл-атворида кейинчалик узлуксиз равишда фойдаланишдан иборатдир. Инсон хатти-ҳаракатларининг аста-секин мураккаблашуви, янгича мазмун ва шакл касб этиши, сифатий ўзгаришларининг юз бериши, шахсий тажрибанинг кенгайиши, ортиши билан рўй беради. Ташқи оламнинг, борлиқнинг, турмуш тарзининг бош мия катта ярим шарларининг пўст қобиғида ҳосил бўладиган образлари, тасвирлари, хоссалари тубдан йўқолиб кетмайди. Воқеликнинг ва ташқи оламнинг тимсоллари, тизимлари ўзаро турли йўсинда, тарзда боғланиб мустаҳкамланади, тартибга келади, гуруҳга бирлашади, ҳаёт ва фаолиятнинг талабларига мос равишда эса олиб қолинади; эса сақланади, муайян изларнинг жонланиши натижасида уларнинг барчаси тикланади.

Хотира инсоннинг ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида қатнашиши туфайли унинг намоён бўлиш шакллари, ҳолатлари, шарт-шароитлари, омиллари ҳам хилма-хил кўринишга эгадирлар. Одатда, хотиранинг турларига ва уларни муайян турларга ажратишда энг муҳим асос қилиб, унинг характеристикасини эса олиб қолиш, эса сақлаш, қайта эсга тушириш, таниш сингари жараёнларни амалга оширувчи фаолиятнинг хусусиятларига боғлиқлиги олинади. Умумий психологияда хотира 5 та муҳим мезонга (бизнингча) мувофиқ равишда турларга, кўринишларга ажратилади:

I. Руҳий фаолиятнинг фаоллигига кўра хотира қуйидаги турларга бўлинади:

- а) ҳаракат ёки мотор-ҳаракат хотираси;
- б) образли хотира;
- в) ҳис-туйғу ёки ҳиссиёт хотираси;
- г) сўз-мантиқ хотира.

II. Руҳий фаолиятнинг мақсадига биноан;

а) ихтиёрсиз, б) ихтиёрий, в) механик.

III. Рухий фаолиятнинг давомийлигига кўра:

- а) қисқа муддатли хотира;
- б) узоқ муддатли;
- в) оператив (тезкор) хотира.

IV. Рухий фаолият қўзғатувчисининг сифатига кўра: а) мусикий, б) эшитиш хотираси.

V. Рухий фаолиятнинг инсон йўналишига қараб: а) феноменал, б) касбий.

Ҳаракат хотираси. Инсон фаолиятининг ҳар бир турига рухий фаолликнинг у ёки бу кўринишлари устунлик қилиши кузатилади: масалан, ҳаракат, ҳиссиёт, идрок, ақл-заковат каби рухий фаолиятнинг кўринишлари мавжуддир. Ана шу рухий фаоллик турларининг ҳар бири тегишли ҳаракатларда ва уларнинг маҳсулотларида ўз ифодасини топиб, ҳаракатларда, ҳиссий кечинмаларда, туйғуларда, образларда, тимсолларда фикр ва мулоҳазаларда акс этади.

Буларнинг барчасига хизмат қилувчи хотиранинг ўзига хос турларига нисбатан психология фанида илмий тушунчалар тариқасида ном берилган: ҳаракат, ҳиссиёт, образли ва сўз-мантиқ хотира.

Турли ҳаракатлар ва уларнинг бажарилиши тартиби, тезлиги, суръати, изчиллиги ва бошқаларни эсда қолдириш, мустаҳкамлаш, эсга туширишдан иборат хотира тури ҳаракат хотираси деб аталади.

Хотиранинг бошқа турларига қараганда, ҳаракат хотираси баъзи одамларда аниқ, равшан устунлик қилаётганлиги учраб туради. Психология фанида классик (мумтоз) мисолга айланиб қолган ушбу ҳолатни келтириб ўтиш мақсадга мувофиқдир; бир мусиқа ишқибози мусикий асарни хотирасида мутлақо қайта тиклай олмас экан, лекин у яқиндагина эшитган операни фақат пантомима тарзидагина қайта тиклаш имкониятига эга бўлган. Турмушда шундай одамлар учрайдики, улар ўзларида ҳаракат хотирасининг борлигини умуман пайқамайдилар. Мазкур хотира турининг ғоят катта

аҳамияти шундан иборатки, у юриш, ёзиш, ифодали ҳаракат малакалари билан бир қаторда ҳар хил амалий меҳнат малакалари таркиб топишининг асосини ташкил қилади. Агарда инсонда ҳаракат хотираси бўлмаганда эди, у биронта ҳаракатни амалга ошириш учун ўша ҳаракатнинг айнан ўзини ҳар галда «бошдан бошлар», ўрганар эди. Фигурали учиш, лангар билан сакраш, гимнастика, чопишдаги хатти-ҳаракатлар, бадий гимнастика билан шуғулланиш ҳаракат хотирасини тақозо этади. Жисмоний чاقқонлик, меҳнатдаги маҳорат, «олтин қўллар», зийрак кўзлар, эгилувчанлик ва кўзғатувчанликка эга бўлиш юксак, барқарор ҳаракат хотираси мавжудлигининг аломати бўлиб ҳисобланади.

Ҳис-туйғу ёки ҳиссий хотира. Бу хотира ҳис-туйғулар, рухий кечинмалар, ҳиссиётлар бизнинг эҳтиёжларимиз ва қизиқишларимиз қандай қондирилаётганлигидан, атрофимиздаги нарса ва ҳодисаларнинг хусусиятига нисбатан муносабатларимиз қай тарзда амалга оширилаётганлигидан доимо хабар бериб туриш имкониятига эга. Шунинг учун ҳар бир кишининг ҳаёти ва фаолиятида ҳиссий хотира тури жуда катта аҳамият касб этади.

Воқеликдаги нарса ва ҳодисалардан ўз-ўзимизга бўлган муносабатларимиздан келиб чиқадиган ёқимли ҳамда ёқимсиз кечинмаларни эсда қолдириш, эсга туширишдан иборат хотира тури ҳиссий хотира деб аталади. Улар биз руҳиятимизда кечирган, маънавиятимизга таъсир қилувчи, хотирамизда сақланиб қолган ҳис-туйғу, эҳтирос, алам, армон кабилар жонланишига, ҳаракатга ундовчи ёки ўтмишда салбий кечинмаларга эга бўлган ҳаракатлардан саклаб турувчи сигнал тарзида намоён бўлади. Ўзга кишиларнинг рухий ҳолатига ҳамдард (эмпатия) бўлиш, бевосита воқелик моҳиятига ошнолик, китоб, санъат, кино, театр қаҳрамонлари билан биргаликда қайғуриш сингари инсон туйғулари ҳиссий ёки ҳис-туйғу хотирасига асосланади.

Ҳиссий хотира ўзининг вужудга келиш хусусияти, тезлиги, динамикаси, давомийлиги билан хотиранинг бошқа турларидан маълум маънода ажралиб туради. Ҳар қайси одамга ўз турмуш тажрибасидан

маълумки, кўпинча қачонлардир ўқиган китоблардан, томоша қилган кинофильмлардан, спектакллардан фақат «таассуротлар» боғланишлари занжирини ечишнинг дастлабки тугуни сифатида намоён бўлади. Шунинг учун ҳиссий (хотира ижтимоий аҳамият касб этиб, умумийлик алоҳида олинган одамлар кайфиятлари бир-бирларига ўхшашлиги илиқ рухий муҳитни вужудга келтириш ёки нохуш кечинмалар тўлқинини барпо этиш эҳтимоли тўғрисида мулоҳаза юритилаётганлиги аён бўлса керак) аломати остида ижтимоий, гуруҳий, жамоавий барқарор ёки беқарор кайфиятни вужудга келтиради. Ом-мавий кайфият (шодлик, ғам-ғусса, безовталаниш кабилар) худди шу тарздаги эҳтирос, аффе́кт, стресс, шижоат сингари кечинмаларни келтириб чиқаради ҳамда уларни хотирада сақланишга ёрдам беради, зарурият туғилганда жонланишга ўз таъсирини ўтказади.

Образли хотира. Образли хотира тасаввурлар ва турмуш манзара-лари, шунинг билан бирга, товушлар, таъмлар, ранглар, шакллар билан боғлиқ бўлган хотира туридир. Образ хотираси деб, яққол мазмунни, бинобарин нарсa ва ҳодисаларнинг аниқ образларини, уларнинг хусусиятлари ва боғланишларини эсда қолдириш, онгда мустаҳкамлаш ҳамда зарурият туғилганда эсга туширишдан иборат хотира турига айтилади.

Психология фанида образли хотиранинг бир нечта турлари ажратиб кўрсатилади, биз уларнинг айримларига тавсиф берамиз.

Изчил образлар. Сенсор хотиранинг энг содда кўриниши ёки шакли изчил образлардан иборатдир. Изчил образларнинг намоён бўлиш ҳодисаси қуйидагилардан тузилгандир: агар субъект (шахс)га бир неча дақиқа оддий кўзгатувчи юборилса, жумладан, 10—15 сек. ёрқин қизил квадратга қараб туриш таклиф этилса, сўнг текширилувчи олдидан квадрат олиб қўйилса, у қизил квадрат ўрнида худди шундай геометрик шакл изини кўришда давом этади, асосан, бу шакл кўк-яшил рангда товланади. Мазкур из ўша заҳоти, баъзан бир неча секунддан кейин пайдо бўлиб, 15 секунддан то 45—60 секундгача ўша объектда сакданиб туради, шундан сўнг у аста-секин оқара бошлайди; натижада ўзининг аниқ контурини йўқотади, кейинчалик мутлақо

йўқолиб кетади, гоҳо бутунлай йўқолиш учун қайтадан пайдо бўлиши мумкин. Одамларнинг индивидуал-типологик хусусиятларига қараб, изчил образларнинг аниқлиги ва давомийлиги турлича бўлиши кўзга ташланади.

Ўзининг келиб чиқиши, кучлилиги жиҳатдан изчил образлар салбий ва ижобий турларга бўлинади. Агар изчил равишда одам қизил рангга қараб туриб, сўнгра нигоҳини оқ қоғозга кўчирса, у ҳолда объектда кўк-яшил ранг пайдо бўлгандай туюлади. Изчил образларнинг ушбу тури салбий изчил образлар деб аталади. Бу ҳолатни яна бир мисол орқали тушунтирилса куйидаги кетма-кетлик ҳодисаси намоён бўлади. Қоронғи хонада кўз олдида бир нарса, масалан, қўл яқинлаштирилса, сўнгра қисқа муддатли (0, 5 сек) электр чироғи ёқилса, бу ҳолда чироқ ўчгандан кейин одам бир неча дақиқа давомида нарсаларнинг аниқ образларини кўришда давом этади. Мазкур образ ўз рангида бир қанча муддат сақланиб, сўнг кўздан йўқолади.

Изчил образлар хотира жараёнининг содда изларига мисол бўла олади. Ушба руҳий ҳолатни онг билан бошқариб бўлмайди, чунончи, хоҳишларга қараб узайтириш, ихтиёрий равишда қайта тиклаш мумкин эмас. Бинобарин, изчил образлар ушбу хотиранинг мураккаброқ турларидан ана шу жиҳати билан фарқ қилади.

Изчил образларни эшитиш, тери орқали сезишда кузатиш мумкин, лекин бу вазиятда изчил образлар кучлироқ намоён бўлиши ва қисқа муддат давом этиши кузатилади.

Эстетик образлар. Умумий психологияда изчил образлардан эстетик образларни фарқлаш анъана тусига кирган («эйдос» — юнонча «образ» деган маънони англатади). Хотиранинг бу тури, яъни эстетик образлар ўз вақтида немис психология мактабининг намояндалари ака-ука Йенишлар томонидан таърифлаб берилган. Баъзи одамларда, айниқса, болалик ва ўсмирлик, ўспиринлик даврларида кузатилган нарса ёки суратлар кўз ўнгидан олиб кўйилса ҳам сурат сиймоси узоқ вақт сақланиш хусусиятига эга.

Мазкур нарса ва жисмларнинг аниқ образлари, тасвирларини кузатиш мумкин. Бу ҳодиса жаҳон психология фанида тажрибада текширилиб

кўрилган. Тажрибада текширилувчига 3-4 дақиқа давомида расм кўрсатилган ва тасвир олиб қўйилгандан сўнг унинг таркибий қисмлари, тузилиши ҳақида катнашчиларга саволлар берилган. Бу жараёнда айрим текширилувчилар биронта саволга жавоб бера олмаган бўлсалар, аниқэстетик образга эга бўлган иштирокчилар эса расмни кўришда давом этаётгандай ҳар бир саволга аниқ жавоб беришга эришганлар.

Тажрибаларнинг кўрсатишига қараганда, эстетик образлар узоқ вақт инсон онгида сақланиши мумкин. Мабодо уларнинг излари йўқолиб кетган бўлса ҳам, лекин ҳеч қандай қийинчиликсиз унинг сиймоси қайта тикланиши мумкин.

Собиқ шўро психологияси фанида эстетик образларнинг намоён бўлиши ҳодисаси (ёрқин эстетик хотирага эга бўлган кишининг психологик хусусиятлари) А. Р. Лурия томонидан кўп йиллар давомида ўрганилган. Эстетик хотиранинг индивидуал-типологик хусусиятлари чуқур таърифлаб берилган. Эстетик образлар ҳаракатчанлик хусусиятига эга бўлиб, субъектнинг олдида қўйилган вазифа ва унинг тасаввурлари таъсири остида ўзгариши мумкин.

Ака-ука Йенишлар томонидан ўтказилган оддий тажрибада эстетик хотирага эга бўлган текширувчига олма ва ундан сал узоқроқда жойлашган илгак тасвирланган расм кўрсатилган. Расм ўртадан бўлиб қўйилгандан кейин текширувчидан олмани олиш истаги кучайиб бораётганлиги сўралган. Муайян йўл-йўриқ берилгандан кейин текширилувчи мана бундай ҳолатни тасвирлаб беради: илгак олмага яқинлашиб, уни илади ва ихтиёрсиз равишда катнашчи томон тортади. Хуллас, эстетик образ ҳаракатчан бўлиб, субъектнинг руҳий кўрсатмаси таъсири остида сифат ва микдор ўзгаришга юз тутаяди. Эстетик образлар, илмий текширишларнинг кўрсатишича, болалик ва ўспиринлик давларида муайян муддат ҳукм суради ва вақтнинг ўтиши билан унинг излари аста-секин сўна боради.

Психофармокологик тадқиқотларнинг кўрсатишича, эстетик образларни кучайтирувчи калий ионлари ва шунингдек, уни

кучсизлантирувчи кальций ионлари моддалари мавжуддир. Илмий изланишларда олинган микдорий материаллар эстетик образлар пайдо бўлишининг психологик илдизларини чуқурроқ очишга хизмат қилади.

Тасаввур образлари. Тасаввур образлари хотиранинг янада мураккаброқ тури бўлиб ҳисобланади ва уларнинг хусусиятлари ҳақида тасаввурга эгамиз. Инсон дарахт, мева, гул тўғрисида тасаввурга эга эканлиги шуни кўрсатадики, унинг илгариги тажрибалари субъект-нинг онгида шу образларнинг изларини қолдирган. Илмий тушунчалар талқин қилинганида тасаввур образлари эстетик образларга жуда яқиндек туюлади. Лекин эстетик образлар ҳақидаги психологик таҳлил шуни кўрсатадики, тасаввур образлари унга қараганда анча бой бўлиб, ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Тасаввур образларининг эстетик образларидан ажратувчи фарқтасаввур образлари-нинг полимодаллик хусусиятидир. Бунинг асосий моҳияти тасаввур образлари кўриш, эшитиш, тери орқали сезиш изларининг таркибий қисмларини бирлаштиради. Масалан, мева тўғрисидаги тасаввур образи унинг ташқи кўриниши (шакли, ранги), мазаси, оғирлиги, вазнини ўзаро бирлаштириб акс эттиради.

Тасаввур образларининг эстетик образларидан асосий фарқи шундан иборатки, у ўз таркибига нарса ҳақидаги тасаввурларни ақлий жиҳатдан қайта ишлашни киритади ва жисмларнинг асосий хусусиятларини ажратиб, маълум бир категорияга бирлаштиради. Инсон гул образини фақатгина эсга туширмайди, балки уни муайян бир сўз ёки тушунча билан атайди, хусусиятларини ажратиб кўрсатади, аниқ бир категория моҳиятига киритади.

Демак, тасаввур образларида одамнинг хотираси идрок қилинган нарсанинг изини суёт равишда сақлабгина қолмай, балки бир қатор тасаввурлар билан бойитади, нарса мазмуни ва моҳиятини таҳлил қилиб, у ҳақидаги ўз билимлари, тушунчалари кабиларни тажриба билан боғловчи ижодий сермахсул фаолиятни амалга оширади. Буларнинг барчаси иродавий сифатлар, ақлий зўриқиш, асабий таранглашув натижасида рўёбга чиқади.

Хуллас, тасаввур образлари хотиранинг мураккаб фаолият маҳсули

ҳисобланиб, улар изчил ёки эстетик образларга нисбатан мураккаб психологик ҳодисадир. Тасаввур образлари хотира изларининг мураккаб тури бўлиб, унинг ақлий жараён билан яқинлиги инсон билиш фаолиятининг муҳим таркибий қисмидан бири эканлигидан далолат беради.

Сўз-мантиқ хотираси. Сўз-мантиқ хотираси мазмунини фикр ва мулоҳазалар, аниқ ҳукм ҳамда хулоса чиқаришлар ташкил этади. Инсонда фикр ва мулоҳаза турли хил шакллар ёрдамида ифодаланганлиги туфайли, уларни ифодалаш фақат ўзлаштирилаётган материалларнинг асосий маъносини изохлаш, талқин қилиб бериш ёки уларни сўзма-сўз ифодаланилишини айнан айтиб беришга қаратилган бўлиши мумкин. Агар маълумот, ахборот, хабар, материал маъно жиҳатдан қайта ишланмаса, у ҳолда материални сўзма-сўз ўзлаштириш мантикий ўрганиш бўлмасдан, балки, аксинча, механик эсда олиб қолишга айланиб қолади.

Сўз-мантиқ хотиранинг вужудга келишида биринчи сигнал билан бир қаторда иккинчи сигналлар тизими асосият касб этади. Чунки сўз мантиқ хотираси фақат инсонга хос бўлган хотиранинг махсус тури ҳисобланиб, бу хотира тури ўзининг содда шакллари билан ҳайвонларга ҳам тааллуқди бўлган характер ҳис-туйғу ва образли хотиралардан ҳам сифат, ҳам миқдор жиҳатидан кескин фарқ қилади. Ана шу боисдан сўз-мантиқ хотираси бир томондан хотиранинг бошқа турлари тараққиётига асосланади, иккинчидан, уларга нисбатан етакчилик қилади. Шу билан бирга бошқа барча турларнинг ривожланиши сўз-мантиқ хотиранинг таккомиллашувига узвий боғлиқдир. Сўз мантиқ хотиранинг ўсиши қолган хотира турларининг барқарорлашувини белгилайди.

Ихтиёрий ва ихтиёрсиз хотира.

Хотира турларига нисбатан бошқача тарзда ёндашиш ҳоллари учрайди, шу боисдан хотира фаолияти амалга ошираётгани яққол, фаоллик хусусиятлари билан узвий боғлиқ равишда турларга ажратилади. Масалан, фаолият мақсадига кўра ихтиёрсиз ва ихтиёрий турларга бўлинади.

Ихтиёрий хотира деганда маълум мақсадни рўёбга чиқариш учун,

муайян даврларда ақлий ҳаракатларга суянган ҳолда амалга оширишдан иборат хотира жараёни тушунилади. Бу фаолиятни, одатда, онг бевосита бошқаради. Кўпинча психология фанида ихтиёрий хотирага ихтиёрсиз эсда олиб қолиш қарши қўйилади. Бу жараён маълум, керакли топшириқ ёки вазифа қўйса, эсда олиб қолишга етакловчи фаолият бирон-бир мақсадни рўёбга чиқаришга йўналтирилган тақдирда юзага келади. Биз математика топишмоқдари ечаётганимизда масаладаги сонларни эсда олиб қолишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўймаймиз. Мазкур сўз-мантиқ ҳолатда асосий мақсад фақат масала ечишга қаратилади, бунинг натижасида сонларни (иккинчи даражали белги сифатида) эсда сақлашга ҳеч қандай ўрин ҳам қолмайди. Шунга қарамай, биз уларни қисқа муддатга бўлсада, эсда сақлашга интиламиз, бу ҳолат фаолият якунлангунга қадар давом этади.

Эсда олиб қолишни мақсад қилиб қўйиш, эсда олиб қолишнинг асосий шарти ҳисобланади. Серб психологи Радославевич ўз тадқиқотида қуйидаги ҳодисани баён этади. Тажрибада текширилувчидан бири синовни қўллаётган тилнинг тушунмаганлиги туфайли унинг олдига қўйилган вазифаларни пайқай олмаган. Бунинг оқибатида унча катта бўлмаган тадқиқот материали 46 марта ўқиб берилганига қарамай текширилувчига тушунтирилиб берилганидан сўнг, у материал билан олти марта ўқиб танишиб, уни такрорлаб, қисмга ажратиб эсга қайта туширишга эришган.

Хотиранинг ихтиёрий ва ихтиёрсиз турлари хотира тараққиётига иккита кетма-кет босқичларини ташкил этади. Ихтиёрсиз хотиранинг турмушда ва фаолиятда катта ўрин эгаллашини ҳар ким ўз шахсий тажрибасидан билади. Ихтиёрий хотиранинг турмушда ва фаолиятда катта ўрин эгаллашини ҳар ким шахсий тажрибасидан билади. Ихтиёрсиз хотиранинг муҳим хусусиятларидан бири махсус мнемик мақсадсиз, ақлий, асабий, иродавий зўр беришсиз ҳаётий аҳамиятга эга бўлган кенг қўламдаги маълумот, хабар, ахборот, таассуротларининг кўпчилик қисмини акс эттиришидир. Шунга қарамасдан, инсон фаолиятининг турли жабҳаларида ўз хотирасини бошқариш зарурати туғилиб қолиши мумкин. Худди мана

шундай шароитда, ҳолатларда, вазиятларда, ғавқулодда керакли нарсалар ихтиёрий равишда эсда сақдаш, эсга тушириш ёки эслаш имкониятини яратадиган хотиранинг мазкур тури катта аҳамиятга эгаллиги шубҳасиз.

Қисқа муддатли узок муддатли ва оператив хотира.

Сўнгги пайтларда собиқ шўро ва чет эл психологиясида хотира тадқиқотчиларининг эътиборини эсда олиб қолишнинг дастлабки, бошланғич дақиқаларида вужудга келадиган ҳолатлар, жумладан, ташқи таассурот изларининг мустаҳкамлашигача бўлган жараёнлар, ҳолатлар механизмлар, шунингдек, уларнинг мустаҳкамланиш муддатлари ўзига жалб қилиб келмоқда. Масалан, бирор материал (шакли, моҳиятидан қатъи назар) хотирада мустаҳкам жой олиш учун бу субъекти томонидан тегишли равишда қайта ишлаб чиқишли, зарур материалларини бундай ишлаб чиқиш учун маълум даражада муддат талаб этилиши табиийдир. Ана шу вақт, муддат оралиғида хотирада қайта тикланаётган изларни консолидациялаш-мустаҳкамлаш деб қабул қилинган. Мазкур жараён инсон томонидан яқингинада бўлиб ўтган ҳодисаларни акс садосидан кечинма сифатида кечирилади ва такомиллашади. Инсон муайян дақиқаларда, лаҳзаларда долзарб пайтда бевосита идрок қилинаётган нарсаларни гўё кўришда, эшитишда давом этаётгандек туюлади. Ушбу жараён келиб чиқиши жиҳатидан беқарор, ҳатто ўзгарувчан, лекин улар шу қадар махсус тажриба орттириш механизмларнинг фаолиятида муҳим аҳамият касб этади, шу боисдан уларнинг роли шу қадар аҳамиятлики, бу жараёнларга эсда олиб қолиш, эсда сақлаш, ахборотлар, маълумотлар, хабарларни қайта эсга туширишнинг алоҳида тури сифатида қаралади. Ушбу жараён, одатда, психологик фанда қисқа муддатли хотира деб аталади.

Жуда кўп қайтаришлар ва қайта тиклашлар натижасида материални узок муддатли хотирадан фарқ қилган ҳолда қисқа муддатли хотира бир марта ҳамда жуда қисқа вақт оралиғида идрок қилиш ва шу онгдаёқ қайта тиклашдан сўнг қисқа муддатли эсда олиб қолиш билан характерланади.

Ҳозирги замон илмий адабиётларида қисқа муддатли хотиранинг

қуйидаги атамалари мавжуд: «бир лаҳзалик», «зудлик», дастлабки, қисқа муддатли ва бошқалар.

Оператив хотира. Инсон томонидан бевосита амалга ошириладиган фаол, тезкор ҳаракатлар, усуллар учун хизмат қилувчи жараёни англатувчи мнемик ҳолат оператив хотира деб аталади. Ҳозирги замон психологиясида ушбу ҳолатни намоиш қилиш учун ушбу мисол келтирилади: математик амални бажаришга киришар эканмиз, биз уни муайян бўлақларга ажратиб ҳал қилишни мақсад қилиб қўямиз. Шу боисдан, оралиқ натижаларини ёдда сақлашга интиламиз, ниҳоясига (охирга, якунланишга) яқинлашган сари айрим материаллар эсдан чиқа бошлайди.

Мазкур ҳолат матнни талаба ёки ўқувчи томонидан ўқишда, уни кўчириб ёзишда, ижодий фикр юритишда, акдий фаолияти амалга оширишда яққол кўзга ташланади.

Мазкур фаолиятда хотиранинг бирликлари деб номланадиган қисмлар (бўлақлар, парчалар), ҳажми ва кўлами у ёки бу фаолиятнинг муваффақиятли якунланишига таъсир кўрсатади. Хотирада омилкор, тезкор бирликларни таркиб топишида ана шу қисмларнинг аниқловчилик аҳамияти каттадир. Қисмнинг ҳажми, кўлами, аниқлиги, лабиллиги, тактик ва стратегик хусусиятга эга эканлиги муҳим аҳами-ятга эга (мисол учун: почта қутиси). Рамзий маънода юқорида қисқача мулоҳаза юритилган хотира турлари қуйидагича узвий боғлиқликка эгадир: оператив-қисқа муддатли ва узоқ муддатли.

Психология фанида эса олиб қолишнинг қуйидаги турлари мавжуд эканлиги тан олинган:

маълумот, хабар, таассурот, ахборот ва материалларни эшитиш орқали идрок қилиш ҳамда эса олиб қолиш;

эгаллаш ёки ўзлаштириш зарур бўлган бўлган материалларни кўриб идрок қилиш ёрдамида эса олиб қолиш;

материалларни ҳаракат ёрдамида ва эшитиш орқали идрок қилиш ҳамда эса олиб қолиш;

аралаш ҳолатда эсда олиб қолиш: кўриш, ҳаракат кабилар орқали идрок қилиш ва эсда олиб қолиш, бошқача айтганда, бир нечта таъсир этувчилар ёрдамида акс эттириш.

Эсда олиб қолиш инсон фаолиятининг хусусиятига бевосита боғлиқдир. А. А. Смирнов, П. И. Зинченко тажрибалари шуни кўрсатадики, эсда олиб қолиш у ёки бу фаолиятдагина самарали бўлиши мумкин. А. А. Смирновнинг тажрибаларида текширишларга қараганда, икки хил фаолият таклиф қилинса, биринчи ҳолда улар маъноли матнни эсда олиб қолиш назарда тутилади. Синалувчилар матнни ёдлар эканлар, материаллар устида ҳеч қандай фаол иш олиб бормаганлар. Иккинчи ҳолда эса эсда олиб қолиш вазифаси қўйилмайди-ю, лекин матн устида муайян иш олиб бориш, унда учрайдиган маъновий хатоларни аниқлаш таклиф этилади. Иккинчи ҳолда эсда олиб қолиш анча самарали бўлганлиги аниқланган.

Бу самарадорлик эса кўп жиҳатдан бериладиган кўрсатмаларга боғлиқдир. Умуман эсда олиб қолиш кўрсатмаси узоқ ва қисқа муддатли эсда сақлашга, аниқ эсга туширишга ёки сўзлари билан эсга туширишга қараб кўрсатмалар бериш мумкин. Тажриба ўтказувчиларнинг хизмати шундаки, а) синалувчиларга тегишли кўрсатмаларни ишлаб чиқиш ёки уларни яратиш, б) қайси хабар, маълумот, ахборот, таассурот муваққат хусусиятга эга, в) нимани эсда олиб қолиш зарурияти мавжуд, г) қандайларини тушуниб олиш кифоя қилади, д) нимани қай ҳолда сўзма-сўз эсда олиб қолиш кераклигини кўрсатиб ўтиш лозим. Кузатишларнинг кўрсатишича, бундай кўрсатмалар (установкалар берилмаганда); тажриба иштирокчиларида кўпинча нотўғри ва қарама-қарши ҳукмлар вужудга келади.

Махсус воситалар ва оқилона усулларни қўллаш орқали эсда олиб қолиш соҳасидаги ёдлашдан иборат ташкилий фаолият алоҳида аҳамиятга эга. А. А. Смирновнинг ўтказган тажрибасидаги натижалар шуни кўрсатадики, матнни махсус тузиб чиқилган режага асосланган ҳолда ёдлаш режаси, пала-партиш эсда олиб қолишдан икки барабар самаралироқ экан. Руҳшунос олимларнинг тавсиясига биноан ёдлаш жараёнида материални

такрорлаш билан уни фаол эсга тушириш ўзаро алмаштириб туриш юқори натижалар беради. Кузатишлар ва тажрибалар шуни кўрсатдики, ўқувчилар ва талабалар бу усулларни мустақил равишда эгаллай олмайдилар, одатда, улар муаллимнинг раҳбарлигида эгаллашади, акс ҳолда ўқув фаолияти иштирокчилари материални бевосита, ихтиёрсиз эсда олиб қолиш босқичида қотиб қолиши мумкин, бу ҳол аклий ўсишга қарама-қаршидир.

Шу нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, ўқув материалларини маъносига тушуниб эсда олиб қолиш йўли оқилона йўл бўлиб қолмасдан, балки у механик эсда олиб қолиш жараёнини ўзининг самарадорлиги билан ажралиб туради.

Инсон улғайиб борган сари унинг аклий фаолиятида маълумот, хабар, билимлар маъносини тушуниб эсда олиб қолиш кенг ўрин эгаллай бошлайди.

Ахборот қўламининг тезкорлик билан кенгайиб бориши оқибатида ўқиш ва ўқитишда материалларни маъносига тушуниб эсда олиб қолишдан иборат хотира фаолиятига нисбатан эҳтиёж янада кучаяди. Лекин бу мулоҳаза механик эсда олиб қолиш мутлақо яроқсиз ўқув фаолияти ёки умуминсоний фаолиятнинг таркибий қисми деган хулосага олиб келмаслиги зарур. Чунки ишлаб чиқаришда, турмуш жабҳаларида, таълимда таърифлар, ифодаланган саналар, шартли белгилар, математик ва кимёвий аломатлар, хорижий атамалардан фойдаланиш механик эсда олиб қолиш жараёни орқали амалга оширилади. Шунинг учун бу ҳолатни эсда олиб қолиш ва эсга тушириш кўрсатмаларидан (установкаларидан) келиб чиққан ҳолда талқин қилиш адолат тантанаси деб тушуниш керак.

Мажмуи инсон билиш фаолиятининг таркибий қисми эканлигини тушунтириш оқилона ёндашиш намунаси бўлиб ҳисобланади. Бу омил жаҳон психологлари тажрибасида кўп марта тадқиқ қилинган ва тўпланган материаллар ўз долзарблигини ҳали ҳам йўқотгани йўқ, бунга республикамизда йиғилган натижалар яққол мисолдир.

Эсда олиб қолиш жараёни деганда, сезги, идрок, тафаккур ва ички кечинмаларни хотирада сақланиш хусусияти тушунилади.

Кундалиҳаётимизда китоб, журнал, газета ўқиганимизда, материални эсда олиб қолиш учун шу материалларнинг маъносига тушуниб олишга ҳаракат қиламиз. Жамики нарса инсонга етарли даражада тушунарли бўлмаса, у тақдирда уларни эсда олиб қолиш жараёни жуда қийин кечади. Ўрганилаётган материалнинг мазмуни ва маъносига тушуниб олиш учун одам уни таҳлил қилишга, умумлаштиришга ҳаракат қилади. А. А. Смирнов таъкидлаганидек, материални тушуниб олиш худди шу жараёнга яққол мисолдир. Муаллифнинг шахсий фикрига қараганда ўзлаштирилаётган материалларни эсда олиб қолиш қийинлиги уларни тушуна олмасликдир. Тушуниб олишнинг эсда олиб қолишдаги аҳамияти худди шу билан тавсифланади.

Хулоса

Жаҳон психология фани тўплаган маълумотларга қараганда ўзлаштирилаётган материални механик тарзда эгаллашга нисбатан унинг маъносини тушуниб ўзлаштириш бир неча марта маҳсулдордир.

Хотирани «соф» кўринишда ўрганишга ҳаракат қилиб, маъно касб этмайдиган бўғинлардан фойдаланади. Унинг бу тадқиқоти кишининг мантикий хотирасини эмас, балки механик хотирасига нисбатан қўлланишга хос тўғри йўналишдир.

Г. Эббингаузнинг бу тадқиқоти психологияда интроспектив (ўз ўзини кузатиш ёки ички кузатиш) методга қарама-қарши қўйилган илмий тажрибавий метод ютуғи сифатида илмий-амалий аҳамиятга эгадир.

Ўзлаштирилган материалларни ушбу фаолият доирасидан чиқиб кетиши эса унинг унутилишига олиб келади. Материални эсда сақдаш учун шахс фаолиятида қандай акс этишига боғлиқдир. Ана шунинг учун ҳар хил ҳолатларда одамнинг билиш фаолияти, хулқ-атвори ҳаётий тажрибаси ва маданий малакаси билан белгиланади. Лекин қарама-қарши нуқтаи назарлар ҳам мавжуд; улар ўзаро мезонлари ҳамда шарҳлари билан тафовутланадилар.

Шундай қилиб, хотира шахс руҳий фаолиятининг энг муҳим таркибий қисмларидан бири бўлиб ҳисобланади. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, хотиранинг бош роли ўтмишда юз берган нарса ва ҳодисаларни акс эттириш билан чекланиб қолмасдан, балки ҳам ҳозирда, ҳам келгусида амалга ошириш режалаштирилган воқеликнинг рўёбга чиқишини таъминлайди. Табиатда ва жамиятда намоён бўладиган ҳар қандай тоифадаги руҳий ҳодиса ўзининг таркибига кирувчи ҳар бир қисмни муайян тартибда ўзаро боғланган тарзда сақлаб қолинишини талаб этади. Турли кўринишга эга бўлган «боғланиш»га имконият ёки шарт-шароит вужудга келмаса, у ҳолда ривожланиш тўғрисида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас, чунки, И. М. Сеченов ибораси билан айтганда, киши »чақалоқлик ҳолатида» мангу қолиб кетган бўлур эди.

Психологик илмий адабиётларда кўп маротаба таъкидланишига

биноан, хотира барча рухий жараёнларнинг энг муҳим таснифи бўлиши билан бир қаторда, инсон шахсининг бирлиги ва яхлитлиги, биологик ва ижтимоийлик нисбатини таъминлаб туради. Уларнинг ўзига хос хусусиятлари, хоссалари, механизмлари тўғрисида муайян тартибда маълумот бериш имкониятига эга.

Хотира психология фанининг чуқур тадқиқ қилинган жараёнларидан бири бўлиб ҳисоблансада, лекин фан ва техниканинг тараққиёти кўп жихатдан хотира муаммоларининг ўрганилишига боғлиқдир. Шунинг учун унинг қонуниятларини очиш, «ақлли» ва «сунъий интеллект»ли машиналар маҳсулдорлигини ошириш, сифат даража сини кўтариш учун хизмат қилади. Ҳозирги даврда олиб борилаётган илмий-текшириш ишлари эса олиб қолиш, эсга тушириш механизмлари ва когнитивистик назарияларга бағишланган. Лекин жаҳон психологияси фанида ассоцианизм, гештальтизм, бихевиоризм, фрейдизм каби кўплаб йўналишлар мавжуд бўлишига қарамасдан бугун хотиранинг ягона ва тугалланган назарияси ишлаб чиқилмаган. Илмий-назарий хусусиятларга эга бўлган, фараз тарздаги назариялар ва қарашларнинг ҳаддан ташқари кўплиги кибернетика, тажриба ва генетик биология, биокимё, физиология, тиббиёт нуқтаи назаридан ёндашганлиги билан таснифланади. Бу нарсанинг барчаси хотирани ўрганишнинг психологик, нейрофизиологик ва биокимёвий босқичлари мавжудлигидан далолат беради.

Хотирани ўрганишнинг ҳар учала даражаси ичидан унинг психологик даражаси тадқиқ қилиниши ўзининг бой материаллари билан бошқаларидан сезиларли устунликка эга бўлиб, психология фанида хилма-хил йўналишлар ва назариялар ишлаб чиқилганлиги ҳамда оригинал (мустақил равишда, бошқаларга ўхшамайдиган) инновацион (янги, долзарб) ғоялар илгари сурилганлиги маълумдир. Бу назариялар негизида (моҳиятида) хотира жараёнларининг шаклланишига субъект (инсон)нинг фаоллиги қандай аҳамиятга эгалиги ва бундай фаолликнинг механизми (юзага келиши) қандай рўёбга чиқиши тўғрисидаги муаммоларни таснифлаш ва баҳолаш ётади.

Адабиётлар

1. Аткинсон Р. Человеческая память в процесс обучения. —М., 1980.
2. Зинченко П.И. Непроизвольное запоминание. —М., 1961.
3. Линдсей П., Норман Д. Переработка информации у человека.-М, 1978.
4. Клацки Р. Память человека. -М., 1978.
5. Лурия А.Р. Маленькая книга о большой памяти. —М., 1968.
6. Ляудис В.Я. Память в процессе развития. —М., 1966.
7. Хрестоматия по общей психологии.-М., 1979.
8. Ғозиев Э.Ғ. Умумий психология. —Т.: «Университет», 2002